



BUYRUQ

№ 258

“25” 09 2020

Меъерий ҳужжатларга қўшимча ва
ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 3, 17 ва 21-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Техник кенгашининг 2020 йил 10 сентябрдаги 15-сонли йиғилиш баёни, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг тавсия ва хулосаларига асосан

Б У Ю Р А М А Н :

1. Қуйидагилар:

ҚМҚ 2.04.05-97* “Иситиш, вентиляция ва кондициялаш” меъерий ҳужжатига 3-сонли ўзгартириш 1-иловага мувофиқ;

ШНҚ 2.04.08-13 “Газ таъминоти. Лойиха меъёрлари” меъерий ҳужжатига 1-сонли ўзгартириш 2-иловага мувофиқ;

ШНҚ 2.08.01-19 “Турар-жой бинолари” меъерий ҳужжатига 1-сонли ўзгартириш 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси (Б.Содиқов) Электрон ҳукумат тизимини жорий этиш бўлими (М.Зағрутдинов) билан биргаликда ўн кун муддатда меъерий ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни Қурилиш вазирлигининг расмий сайтида жойлаштирсин.

3. Ушбу буйруқ расман эълон қилингандан кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур буйруқ ижроси назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Хидоятлов зиммасига юклансин.

Вазир

Б.Закиров

**ШНҚ 2.04.08-13 “Газ таъминоти. Лойиҳа меъёрлари”га
1-сон ЎЗГАРТИРИШ**

1. 6.1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6.1. Ушбу бўлимдаги меъёрлар турли мақсадларга мўлжалланган бино ва иншоотларнинг ичида жойлаштириладиган газ қувурлари ҳамда газ ускуналарини лойиҳалашга тааллуқлидир.

Бино ва иншоотларнинг ички газ таъминоти лойиҳалари O’zDST-734-96 асосида бажарилиши лозим.

Конкрет биноларда газ ускуналарини жойлаштириш ва газ қувурларини ўтказиш имкониятлари кўрсатилган ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техник ҳужжатларида келтирилган талабларни ҳамда уларни қўллаш соҳалари ва шартларни ҳисобга олган ҳолда биноларни лойиҳалашга доир қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ аниқланиши лозим.

Газ ускуналари (плита, сув иситгич ва б.) ўрнатилиши кўзда тутилган хоналардаги газ қувурларида CO, CO₂ ва CH₄ ис газли концентрациясини ўлчовчи газанализаторли ўчирувчи клапани ўрнатилиши назарда тутилиши лозим.

2. 6.26 банди қуйидаги таҳрирдаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин: “Кўп қаватли турар жой биноларнинг газ плиталари ва газли сув иситиш ускуналарини жойлаштириш рухсат этиладиган қаватлар сони ШНҚ 2.08.01 “Турур-жой бинолари”нинг 9.9 ва 9.33-бандларига мувофиқ белгиланади”.

3. 6.76-банди қуйидаги таҳрирдаги учинчи ва тўртинчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

“Кўп қаватли турар жой бинолари хонадонларида мембранали ҳисоблагич, ва зарурат бўлганда, газ босимини мослаштирувчи ускуналарини балконларда ва лоджия хоналарида ўрнатилишини назарда тутиш тавсия этилади.

Кўп қаватли турар жой биноларининг алоҳида иситиш тизими билан жиҳозланган хонадонларида газ ҳисоблагичларни ўрнатишда ҳисоблагичдан полгача бўлган баландлик 0,6-1,8 m бўлганда ҳисоблагич ва ёпиқ ёниш камерали қозонлар орасидаги масофани 0,2 m этиб қабул қилиниши мумкин”.

4. Е-илувасининг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**ИЗМЕНЕНИЕ №1,
вносимое в ШНК 2.04.08-13 «Газоснабжение.
Нормы проектирования »**

1. Пункт 6.1 изложить в следующей редакции:

“6.1. Нормы настоящего раздела распространяются на проектирование газопроводов и газового оборудования, размещаемых внутри зданий и сооружений различного назначения.

Проекты внутренних устройств газоснабжения следует выполнять согласно O'zDSt-734-96.

Возможность установки газового оборудования и прокладки газопроводов в конкретных зданиях следует определять согласно строительным нормам и правилам на проектирование соответствующих зданий с учетом требований производителей конкретного оборудования, изложенных в технической документации и определяющих область и условия его применения.

Помещения где предусмотрена установка газовых приборов (плит, водонагревателей и др.) необходимо на газопроводе предусматривать установку отключающего клапана с газоанализатором концентрации CO, CO₂ и CH₄».

2. Пункт 6.26 дополнить абзацем шестым следующего содержания:

«Этажность многоэтажных жилых домов, в которых разрешается установка газовых плит и газовых водонагревателей, следует принимать согласно п.9.9 и п.9.33 ШНК 2.08.01 “ Жилые здания».

3. Пункт 6.76 дополнить абзацами третьим и четвертым следующего содержания:

«Установку мембранных газовых счетчиков и, при необходимости, регуляторов давления газа в квартирах многоэтажных жилых домов рекомендуется предусматривать на балконах и в помещениях лоджий.

При установке газовых счетчиков в квартирах многоэтажных жилых домов с квартирными системами отопления расстояние от счетчика до котла с закрытой камерой сгорания допускается принимать не менее 0,2 м при расстоянии от низа до низа счетчика 0,6-1,8 м».

4. В пункте 5 приложения Е изложить в следующей редакции:

«5. Отвод продуктов сгорания от бытовых печей и газоиспользующего оборудования, в конструкции которого предусмотрен отвод продуктов